



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 21 ноябрь, № 234 (6928) Сешанба

Сайтмизга ўтish учун QR-коднинг телефонингизга орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Валюта сийсатини либераллаштириш шароитларида республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириш бориш, фуқароларга ихтимой маддани кучайтириш мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баравар оширилсин.

2. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудда энг кам: иш ҳақи — ойига 172 240 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 336 880 сўм; болаликдан ногиронларга берилган нафақа — ойига 336 880 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга берилган нафақа ойига 206 720 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақи ҳамда пенсияларга қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат бюджетидан молияланган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

Хўжалик ҳисобидига корхона ва ташкилотлар 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 августдаги ПФ-4822-сонли Фармони (6-банди истисно қилинган ҳолда) 2017 йилнинг 1 декабридан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Б. А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент шаҳри,  
2017 йил 20 ноябрь

## Ўзбекистон — жонажон Ватанимиз

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 17 ноябрь кунини бўлиб ўтган Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб юртдошларимиз истикомат қилаётганининг 80 йиллигига бағишланган тантанали маросим иштирокчиларига йўллаган табригини катта ҳаяжон ва чуқур мамнуният билан тингладик.

### МУНОСАБАТ

Айниқса, табриқдаги "Меҳнатсеварлиги, қатъий иродаси, аҳилиги, интизоми, ерга меҳри билан, дунёқарашимиз ва маданиятларимиз ўхшашлиги тўғрисида корейслар Ўзбекистон тимсолида иккинчи Ватанини тоғди ва унинг муносиб фарзанди, кўп миллатли Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаросига айланди, ҳурмат-эътибор қозонди. Халқимиз шундай юртдошлари билан фахрланамиз", деган сўзлар корейс диаспораси акаллари билан беҳад тўқилганга юборди.

Дарҳақиқат, инсон ўз киндик қони тўқилган жойни азиз ва муқаддас, деб билади. Корейс миллатига мансуб бўлса-да, ўзимиз тугилиб ўсган мана шу бетақорр заминни — Ўзбекистонни Ватанимиз, дея қадрлаймиз, уни жондек суйиб, ардоқлаймиз.

### СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Шу боис Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, хавфсизлигини кафолатлаш, фуқароларнинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик-

ларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида мутлақо янги тизимни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Энг муҳими, бу долзарб масала-

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва кўпайтириш, миллий хунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини янада ривожлантириш, хунармандчилик фаолияти билан шугулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ва комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, шу асосда аҳоли, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилалар бандлигини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар республикамизда миллий хунармандчилик, халқ бадийи ва амалий санъатини (кейинги ўринларда хунармандчилик деб аталади) янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

**биринчидан**, хунармандчилик фаолияти билан шугулланаётган фуқаролар ва оилалар, айниқса, янгитдан ўз фаолиятини бошлаган хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, "Уста — шогирд" мактаблари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш ва шу асосда янги иш ўринлари ташкил этиш;

**иккинчидан**, хунармандчилик субъектларига давлат рўйхатидан ўтишда кўмаклашиш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улашиш, уларни асбоб-ускуналар, жиҳозлар, хом ашё ва материаллар билан узуқсиз таъминлаш, уларга имтиёзли кредитлар бериш бўйича самарали чора-тадбирларни амалга ошириш;

**учинчидан**, халқ хунармандчилиги ва ижодий анъаналари кенг ривожланган шаҳар ва туманларда хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ташкил этиш, хунармандчиликнинг ноёб турларини қайта тиклаш ва янада ривожлантириш, истеъмолчиларга хунармандчилик маҳсулотлари етказиб

бериш учун бозор инфратузилмасини шакллантириш;

**тўртинчидан**, хунармандчилик маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантириш, хорижий мамлакатларда ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда миллий хунармандчилик маҳсулотларини тақдимот қилишга кўмаклашиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва "Хунарманд" уюшмасининг қуйидаги таклифлари қабул қилинсин:

"Хунарманд" уюшмасини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига уюшган аъзо сифатида аъзолик бадали тўловсиз киритиш;

"Хунарманд" уюшмаси раисини мавқеи бўйича Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосарига, "Хунарманд" уюшмасининг ҳудудий бошқарма бошлигини Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқарма бошлиғи ўринбосарига тенглаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги туман ва шаҳар Тadbиркорларга кўмаклашиш марказлари томонидан хунармандларга ўз тadbиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиш, жумладан, ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш кўникмаларига ўргатиш, хунармандчилик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янгитдан ўз фаолиятини бошлаётган хунармандчилик субъектларига кўргазмалар ташкил этишни назарда тутиш;

3. 2017 йилнинг 1 декабридан бошлаб хунармандчилик субъектлари — "Хунарманд" уюшмасининг аъзолари:

хунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқдан озод этилиши;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадали тўловидан озод этилиши;

қишлоқ жойларда рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадалининг 50 фоизини тўлаши белгилаб қўйилсин.

4. Қуйидагилар: хунармандчилик фаолиятининг асосий йўналишлари, хунармандлар томонидан ишлаб чиқарилаётган буюм ва товарлар (иш, хизматлар) турларининг янгиланган рўйхати 1-иловага мувофиқ;

2018-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раисининг қўлидан Дастур деб аталади) 2-иловага мувофиқ, шунингдек, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишнинг манзилли дастурлари 2.1-2.14-иловаларга мувофиқ;

2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хунармандчилик объектларини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс чора-тадбирлар деб аталади) 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат

палатаси раиси А. И. Икромовга, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири А. А. Хаитовга, "Хунарманд" уюшмаси раҳбарлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлигига, вазирлик, идора, тижорат банклари ҳамда масъул ижрочи ташкилотлар раҳбарларига Дастур ва Комплекс чора-тадбирларни белгиланган муддатларда сифатли, тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, бошқа масъул вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар (кейинги ўринларда ҳудудий комиссиялар деб аталади) 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Қуйидагилар ҳудудий комиссияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тегишли ҳудудларда манзилли Дастур ва Комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

хунармандчиликнинг ривожланишига тўқсинлик қилаётган муаммоларни, жумладан, уларга ер майдони, бинолар ажратиш, уларни ишлаб чиқариш ва коммуникация объектларига улашиш, кредит ресурслари ва хом ашё билан таъминлаш масалаларини ўз вақтида ҳал этиш;

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ХАЛҚАРО БИЛИМЛАР ОЛИМПИАДАСИДА 49 МЕДАЛНИ ҚўЛГА КИРИТДИ

Туркияда IX Халқаро билимлар олимпиадаси бўлиб ўтди. Анталая сайёхлик академияси ҳамда Россиянинг EDUANT халқаро мактаби томонидан ташкил қилинган олимпиадада юртимиз мактаб ўқувчилари ҳам муваффақиятли иштирок этди.



Тошкент шаҳридаги "Intellect" боғча-мактаб нодавлат таълим муассасасининг 25 ўқувчисидан иборат жамоа 6 олтин, 20 кумуш ва 23 бронза —

жами 49 медални қўлга киритди. Улар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгалладилар ҳамда математика, рус ва инглиз тиллари, тасвирий санъат бўйи-

рига таълим олишда дунё талабларига мувофиқ билим беришга йўналтирилган. Бугунги кунда таълимнинг барча бўғинида ўқитиш стандартларини такомиллаштириш ҳамда шу асосда замонавий ўқув дастурлари, режалари, дарслик ва қўлланмаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўз самарасини бермоқда. "Intellect" боғча-мактабининг муваффақиятли фаолияти бунга яққол мисоллар.

2008 йилда ташкил этилган мазкур нодавлат таълим муассасаси ўзининг юксак малакали педагогик жамоаси билан бошқа мактаблардан ажралиб туради. Улар ўқувчиларга билим бериш билан бирга, ҳар бир боланинг қобилияти ҳамда иқтидорини рўйб-га чиқариш учун қулай муҳит яратди. Бу ерда болаларнинг ахлоқий ва эстетик ривожланишига алоҳида эътибор қаратилади.

(Давоми 3-бетда).

## КОНСТИТУЦИЯМИЗ КАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## Табиий экотизимларни муҳофаза қилиш — давр талаби

Юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари, тарихий аҳамиятга эга янгиланишлар амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида Ватанимиз қиёфасини тубдан ўзгартирган бу улкан сайёҳаракатларда, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашда кўплаб халқаро экспертлар, ривожланган давлатлар сиёсий арбоблари томонидан демократик тамойилларга мос, дея эътироф этилган Конституциямиз дастуриламал бўлиб хизмат қилаётди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Асосий Қонунимиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос ҳолда, инсон ҳамда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаб берди. Инсоннинг маънавий камол топиши, ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Харажатлар стратегиясини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга оширишга оид Давлат дастури бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди. Одамлар билан очик мулоқот, уларнинг дарду ташвиши, орзу-нияти, ҳаётий муаммо ҳамда эҳтиёжларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани, айниқса, "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган эзгу гоя ҳаётимиздан чуқур жой эгаллаётгани, пировардига Асосий Қонунимизнинг принцип ҳамда нормалари амалиётга кенг татбиқ этилаётгани мисолида ҳам бунини яққол кўриш мумкин.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаси қаторида экологик муаммоларни бартараф қилиш, салбий оқибатларнинг олдини олиш, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза этиш борасида ҳам салмоқли ишлар рўйб-га чиқарилмоқда. Экологик жиҳатдан тоза маҳсулот ишлаб чиқариш, саноатнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш учун корхоналарни техник ҳамда технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, мавжуд табиий ресурсларни ҳимоялаш ва улардан оқилона фойдаланиш доимий эътиборда бўлиб келаётди.

Республикамизда экологик хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, минтақалардаги экологик вазиятни соғломлаштиришга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар амалиётга татбиқ этилаётгани ва бу борадаги қонунчилик базаси тобора такомиллаштирилаётганини ҳам айтиш ўринлидир.

(Давоми 3-бетда).

## «Профилактика кунини» умумхалқ ҳаракатига айланмоғи шарт

Инсон учун тансиҳатлик, эл-юрт осойишталиги ҳамма нарсадан устун. Халқимиз дуога қўл очганида, биринчи галда тинчлик-хотиржамлик, саломатлик тилашининг замирида ҳам ана шу ҳақиқат мужассам, десак, янгилимаймиз.

Юртбошимизнинг доимий диққат-эътиборида турибди. Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилиши бунинг яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, мажлисда таъкидланганидек, ўтган қисқа даврда аҳолининг тинч ҳаёт кечиришини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани, айниқ-

са, диққатга сазовор. Бу борада Олий Мажлис Сенати зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилди. Хусусан, парламент ва жамоатчилик назорати кучайтирилиб, Сенат ҳузурида ҳамда жойларда тегишли комиссиялар иш олиб бормоқда. Сенат ҳузуридаги комиссия томонидан жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги ҳақиқий аҳвол 90 га яқин туман ҳамда шаҳарларда жойига чиқиб ўрганилди. Урганиш натижалари маҳаллий Кенгашларда танқидий

кўриб чиқилиб, камчиликларни бартараф этиш ва фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

Соҳада ижобий тажрибаларни оммалаштириш, давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг ички ишлар органлари билан ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш чоралари кўрилди. Бирок, мажлисда ҳақли равишда кўрсатиб ўтилганидек, катта умидлар билан бошлаган ишларимиз ханузгача қутилган натижаларни тўлиқ бергани йўқ. Айрим мутасаддилар эскича иш юритишдан воз кеча олмаётгани, жиноятчиликни жиловлаш борасида таъсиричан чораларни кўрмаётгани аҳолини ижобий тарафга ўнгиллаш имконини бермапти.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Худудларда хунармандчиликни ривожлантириш марказларини қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан, ушбу марказлар қурилишининг манзилли рўйхатини ишлаб чиқиш, уларга хунармандчилик субъектларини жойлаштириш, қурилаётган объектларнинг намунавий лойиҳасини тасдиқлаш ишларини мувофиқлаштириш;

хунармандлар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни сотиш, шунингдек, экспорт қилишга қўмаклашиш бўйича худудларда чора-тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисобидан аҳолининг хунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначилик соҳаларида бандлигини ошириш учун хунармандчилик ва тадбиркорлик субъектларига имтиёзли микрокредитлар бериш бўйича, банк кредит сиёсатига аралашмаган ҳолда, "Микрокредитбанк" АТБ тавсиялар тақдим этиш.

6. Хунармандчилик фаолияти субъектлари — "Хунарманд" уюшмаси аъзоларига имтиёзли микрокредитлар бериш, шунингдек, 5-иловадаги семага мувофиқ, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари қуриш учун Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан 5 йил муддатга мўлжалланган жами 50 миллион АҚШ доллари миқдорига, жумладан, "Микрокредитбанк" АТБ, Халқ банки АТБ ва "Агробанк" АТБ (кейинги ўринларда тижорат банклари деб аталади) учун 2 йил имтиёзли давр билан 2,5 фоизли йиллик ставка бўйича кредит линияси очиб тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой муддатда юқорида қайд этилган тижорат банкларига улар томонидан хунармандчилик фаолияти субъектларига миллий валютада имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун кредит линиялари очилиши кўйидаги шартларда таъминласин:

имтиёзли микрокредитлар олти ой имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда, икки йил муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробаридан ошмаслиги зарур;

ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна ва эҳтиёт қисмлар харид қилишда имтиёзли микрокредитларнинг фойз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизини, айланма маблағларини тўлдирish учун эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш фойз ставкаси даражасини ташкил этиши;

имтиёзли микрокредитлар пул маблағларини қарз олувчининг соуда ҳисоб рақамидан унинг тўлов топшириқомасига мувофиқ, ушбу Фармонда назарда тутилган мақсадлар учун тегишли ташкилот ёки ҳисмоний шахсининг талаби бўйича депозит ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан кейинчалик ушбу ташкилот ёки ҳисмоний шахсга хизмат кўрсатувчи банк тариф сиёсатига мувофиқ, нақд пул олиш имконияти билан тақдим этилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташаббускорлар ва тижорат банкларининг кредит маблағларини жалб этган ҳолда, 6-иловадаги рўйхатга мувофиқ, 2018-2019 йилларда хунармандчиликни ривожлантириш марказларини ўз вақтида қуриш ва фойдаланишга топширишни кўйидагиларга эътиборни қаратган ҳолда таъминласин:

хунармандчиликни ривожлантириш марказларини тарихий-анъанавий архитектура услубида қуриш, уларга зарур муҳандислик-коммуникация инфратўйинчаларини тортиб бериш ва худудларда қарвонсарой (меҳмонхоналар), кафе, рестороан ва туристларни жалб этиш учун бошқа объектларни жойлаштириш; хунармандчиликни ривожлантириш марказлари ҳудудига

"тарихий Шарқ бозори" услубида савдо расталари ва халқ ижоди (дорбоз, полвон, масҳарабозлар ва бошқалар) кўргазмалари учун махсус жойлар ажратиш;

мазкур марказларда қурилаётган тураржой биноларининг биринчи қаватида устакхона ва савдо иншоотлари, юқори қаватларида хунармандлар учун тураржойлар ташкил этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3268-сон қарори билан тасдиқланган миқдорда 2017-2018 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилидиган маблағлар ҳисобидан хунармандчиликда аҳоли бандлигини оширишга имтиёзли микрокредитлар ажратиш учун "Микрокредитбанк" АТБга йиллик 2 фоизли ставка бўйича 50 миллиард сўм миқдорига ресурслар ажратилишини;

банд бўлмаган аҳолига, айниқса, ёшларга "Уста — шогирд" усулида тақомиллаштирилган ўқув дастурлари бўйича хунармандчилик сир-асрорларини ўқитиш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 2018-2019 йилларда 1 миллиард сўм миқдорига маблағлар ажратишни таъминласин.

9. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси, шунингдек, Бандликка қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан имтиёзли микрокредитлар "Хунарманд" уюшмасига аъзо бўлган ва мазкур Фармоннинг 1-иловадига мувофиқ хунармандчилик фаолиятини амалга оширувчиларга берилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда хунармандлар томонидан, айниқса, хунармандчилик билан шуғулланувчи қизларга минитехнологиялар, асбоб-ускуна ва зарур жиҳозларни сотиб олиш учун, шунингдек, айланма маблағларни тўлдирish учун имтиёзли кредитлар берилишини назарда тутичи Ҳукумат қарори лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда ёш хунармандлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўланадиган мажбурий сугурта тўловлари олинган кредитлар тўлови сифатида ҳисоблангани белгилан қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига: тижорат банкларининг бюртманомалари бўйича хунармандчилик фаолияти билан шуғулланувчи "Хунарманд" уюшмаси аъзоларига ажратилган микрокредитларни тўлаш ҳисобига келиб тушган миллий валютадаги маблағларини конвертация қилишни амалга ошириш;

тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Аҳборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда тижорат банкларининг расмий веб-саҳифаларида хунармандчилик фаолияти субъектлари учун имтиёзли микрокредитлар тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида олиш имкониятини бериуви электрон хизматларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмасининг 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб хунармандчиликнинг талаб юқори бўлган тўрлари бўйича касб-хунар таълими йўналишларини очиб, 7-иловага, мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилаётган касб-хунар

колежларида ўқитувчи ва касбий таълим устаси сифатида "Хунарманд" уюшмасига аъзо хунармандларни кенг жалб қилиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.

Белгилан қўйилсинки:

"Хунарманд" уюшмасига аъзо хунармандларга касб-хунар коллежларининг махсус устакхоналарида хунармандчилик бўйича таълим беришда яқна тартибдаги тадбиркорлар каби шартнома тузиш ва кўрсатилган хизмат учун солиқ тўламаслик ҳуқуқи берилди;

"Уста — шогирд" мактаби ўқувчиси сифатидаги иш даври 2,5 йилга етгунга қадар энг кам ойлик иш ҳақининг камида 25 баробари миқдорига сугурта тўлови тўланган тақдирда меҳнат стажига қўшилиди.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

хунармандчилик билан шуғулланувчи шахслар учун ташқи реклама воситасини жойлаштирилганлик учун маҳаллий бюджетта тўловнинг амалдаги ставканин 50 фоизидан ошмайдиган имтиёзли тартибни жорий этиши;

икки ойлик муддатда бозорлар, туристик, меъморий-маданий объектлар худудларида, шунингдек, йирик савдо марказларида хунармандларга ўз маҳсулотларини сотиш учун барча зарурий шарт-шароитларга эга бўлган савдо расталари ташкил этилишини таъминласин.

13. Белгилансинки: хунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, шу жумладан, банк ҳисоб рақамиданги чет эл валютасини нақд шаклда олиш ҳуқуқи берилди;

хорижий мамлакатларда ўтказилган кўргазма, танлов, ярмарка давомида сотилган хунармандчилик маҳсулотлари экспорт шартномалари тузилмасдан амалга оширилиши мумкин, бунинг натижасида олинган даромад эса экспорт тушуми ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси, Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки, "Хунарманд" уюшмаси билан биргаликда:

икки ой муддатда хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, танлов, ярмаркаларда намойиш этиш учун хунармандчилик маҳсулотлари олиб чиқишнинг соддалаштирилган тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин;

ташқи бозорларда миллий хунармандчилик маҳсулотларини кенг танитиш функциясини ўзига оладиган Ўзбекистон Республикаси ҳўжалик субъектларининг хорижий мамлакатларда очилган савдо уйлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг чет элдаги савдо-инвестиция уйлари жалб этилишини таъминласин;

бир ой муддатда маҳаллий тадбиркорларнинг хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркаларда кенг иштирок этишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексини тасдиқласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Хунарманд" уюшмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда халқимизнинг кўп асрлик анъаналари ва маданий ҳаётини кенг ёритиш, халқ хунармандчилиги ва амалий санъатини намойиш этишга йўналтирилган "Шарқ марвариди" Ўзбекистон анъанавий санъат халқаро фестивалининг ҳар йили сентябрь ойида ташкил этилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, "Хунарманд" уюшмаси, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ХУНАРМАНДЧИЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ХУНАРМАНДЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида"ги Фармониغا Шарҳ

Қайд этиш лозимки, ўтган йиллар давомида республикамизда миллий- хунармандчиликни ривожлантириш, халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатининг кўп асрлик анъаналарини сақлаб қолиш, хунармандчилик билан шуғулланувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан, хунармандчилик кичик бизнес ва яқна тадбиркорлик ривожланишининг кучли, мустақил ва оммавий йўналишига айлана олмади.

"Хунарманд" уюшмаси, берилган имтиёзлар ва қулайликларга қарамасдан, ўз сафларига хунармандларнинг кенг оммасини қамраб ололмади, уюшмага аъзо бўлганлар сони хунармандчилик билан шуғулланувчиларнинг кам қисмини ташкил этишмоқда. Хунармандчилик марказларини сайёҳлик салоҳиятидан кенг фойдаланган ҳолда ташкил этиш ишлари ҳолати қониқарсизлигича қолмоқда, хунармандларга молиявий ва хом ашё ресурслари ажратиш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш, шу жумладан, экспорт қилиш учун шaroит яратишга ёрдам бериш ишлари самарадорлиги етарли даражада эмас.

Шунга қара, хунармандчиликни ривожлантириш йўлидаги мавжуд муаммо ва тўсиқларни тизимли бартараф этиш, Ўзбекистон халқларининг бой маданий мероси ва тарихий анъаналарини тўлиқ сақлаб қолиш ва янада бойитиш, хунармандчиликни кенг миқёсда қўллаб-қувватлаш ҳамда хунармандчилик билан шуғулланишга аҳолини, айниқса, ёшлар, аёллар ва кам таъминланган оилаларни жалб қилишга рағбатлантириш мақсадида 2017 йилнинг 17 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан республикада миллий хунармандчиликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ер майдонлари ва бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, имтиёзли кредитлар бериш, хунармандчилик маҳсулотларини сотиш ва экспорт қилиш, шунингдек, республикамизнинг туман ва шаҳарларида хунармандчиликни ривожлантириш марказларини ташкил этиш ва "Уста — шогирд" мактаблари фаолиятини тақомиллаштириш ишлари белгиланди.

Фармонга биноан, "Хунарманд" уюшмаси сафларига хунармандларнинг кенг оммасини қамраб олиш, шунингдек, хунармандчиликни кичик бизнес ва яқна тадбиркорлик ривожланишининг кучли мустақил йўналишига айланишига йўл бермаётган уюшманинг чекланган салоҳияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан:

"Хунарманд" уюшмаси Савдо-саноат палатасига уюшган аъзо сифатида кириши, "Хунарманд" уюшмаси раисини мақври бўйича Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосарига тенглаштириш;

Савдо-саноат палатаси хузуридаги туман ва шаҳар Тадбиркорларга қўмаклашиш марказлари томонидан хунармандларга ўз фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришга қўмаклашиш бўйича сўзсиз равишда хизматлар кўрсатиши, шу жумладан, хунармандларни ўз бизнесини ташкил этиш ва ривожлантириш кўникмаларига ўргатиш, хунармандчилик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, янгитдан ўз фаолиятини бошлаган

хунармандлар учун кўргазмалар ташкил этишни назарда тутиш.

Хунармандчиликнинг юқори талабга эга ва келажакда ривожланиш истиқболы бор турларини тўлиқ қамраб олиш мақсадида Фармон билан хунармандчилик фаолияти асосий йўналишларининг янгиланган рўйхати тасдиқланди.

Шуни таъкидлаш мумкинки, Фармонда хунармандлар учун имтиёз ва қулайликларни кенгайтириш, шунингдек, уларнинг манзиллилиги ва самарадорлигини қулайтириш кўзда тутилган. Хусусан, 2017 йилнинг 1 декабридан хунармандчилик субъектлари — "Хунарманд" уюшмасининг аъзолари:

хунармандчилик фаолияти маҳсулотлари (товар, иш, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотишда қатъий белгиланган солиқ тўловидан тўлиқ озод этилади;

ёшга доир пенсия ва нафақа олувчилар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалли тўловидан озод этилади;

кишлоқ туманларида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган хунармандлар ўз бюджетидан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган сугурта бадалининг 50 фоизини тўлайди.

Шу билан бир қаторда, хунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, шу жумладан, банк ҳисоб рақамларидан чет эл валютасини нақд шаклда ечи олиш ҳуқуқи берилмоқда. Бунда хорижий мамлакатларда ўтказиладиган кўргазма, фестиваль, ярмаркаларда хунармандчилик маҳсулотларини экспорт шартномаларини тузмаган ҳолда сотиш мумкин, бунда олинган даромад экспорт тушуми ҳисобланмайди. Шу билан бирга, хунармандларга ташқи реклама воситаларини жойлаштиришда маҳаллий бюджетта тўланиши белгиланган тўловларнинг 50 фоизи миқдорини имтиёз бериш жорий этилмоқда.

Шунингдек, доимий савдо қилиш жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи хунармандлар томонидан савдо қондаларида назарда тутилган касса аппаратлари ва савдо терминалларидан фойдаланиш, шунингдек, савдодан тушган нақд пул тушумини тижорат банкларига инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади.

Хунармандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун имтиёзли тартибда жой ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Бунда улар томонидан давлат мулкни ижарага олишда ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорини белгиланган.

Хунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида ("ноль" харид қийматида) сотиладиган давлат мулки объектини олиш истагини билдирган тақдирда, ушбу объект хунармандга баҳоланган қийматда (бошланғич инвестиция мажбуриятлари билан) очик савдоларга (танловга) қўйилмасдан, тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилди). Агар бир нечта хунармандчилик субъектлари бир объектни ("ноль" харид қийматида) олиш истагини билдирса, ушбу объект фақат ушбу хунармандлар иштирок этган ҳолда белгиланган тартибда савдога (танловга) қўйилади. Бунда кўрсатилган шартларда хунармандларга берилган объектлардан 5 йилдан кам бўлмаган вақт давомида хунармандчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилиши лозим.

Фармонда ёшларни хунарга ўқитиш ва хунармандчилик кўникмаларини авлоддан-авлодга ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу мақсадда 2018 йилда республикамизнинг барча худудидagi 16 та касб-хунар коллежида "Хунарманд" уюшмасининг аъзоси бўлган хунармандларни ўқитувчилар сифатида жалб қилинган ҳолда, хунармандчилик иши бўйича янги касбий таълим йўналишлари очилиши назарда тутилган.

Бунда хунармандчиликка йўналишда хунармандлар билан яқна тартибдаги тадбиркорлар сингари шартнома тузиш ҳуқуқи берилди ҳамда улар кўрсатган таълим хизматлари солиққа тортилмайди. Бундан ташқари, "Уста — шогирд" мактаблари ўқувчиси сифатидаги иш даври ўқувчилар 25 ёшга етгунга қадар йилга энг кам иш ҳақининг камида 2,5 баробари миқдорига сугурта тўлови тўланган тақдирда уларнинг меҳнат стажига қўшилиди.

Шу билан бирга, 2018-2019 йилларда ёшларни "Уста — шогирд" усулида ўқув дастурлари бўйича тайёрлаш учун Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан 1 миллиард сўм миқдорига маблағлар берилиши кўзда тутилган.

Фармон билан хунармандчиликни республика худудлари, туман ва шаҳарларида ривожлантириш бўйича ҳам аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, республика худудларида хунармандчилик объектлари, жумладан музей-устахоналар, "Уста — шогирд" мактаблари, хунармандчиликни ривожлантириш бўйича аҳборот-ресурс марказлари ва бошқа объектларни ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тасдиқланган.

2018-2019 йилларда республикамизнинг 23 та шаҳар ва туманида Хунармандчиликни ривожлантириш марказларини яратиш назарда тутилган. Ушбу марказлар тарихий-анъанавий архитектура услубида қурилиб, улар худудига туристларни кенг жалб қилиш учун "тарихий Шарқ бозори" услубидаги савдо расталари, халқ ижоди усталари томоша кўрсатадиган махсус жойлар, қарвонсаройлар ва бошқа объектлар жойлаштирилади. Мумкин, бу марказларда хунармандлар, асрлар давомида уларнинг аجدодлари каби бир жойда яшаб меҳнат қиладди, яъни қуриладиган биноларнинг биринчи қаватида уларнинг устакхона ва савдо дўконлари жойлашади, иккинчи қаватда улар учун замонавий тураржойлар ташкил этилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига икки ой муддатда бозорлар, сайёҳлик, меъморий-маданий объектлар худудига, шунингдек, йирик савдо марказларида хунармандчилик савдо расталарини хунармандчилик маҳсулотларини сотиш учун зарур шaroитлар яратган ҳолда ташкил этиш топшириги берилган.

Фармоннинг энг мумим жиҳати шундан иборатки, унда хунармандчиликни ривожлантириш соҳасида мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари тажрибасида илк бор Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хунармандчиликни ривожлантириш бўйича манзилли дастурлар тасдиқланган, уларга кўра 2018-2019 йилларда қиймати 146,6 миллиард сўмга тенг, шундан 86,8 миллиард сўм тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига, ақсарияти кишлоқ жойларига тўғри келадиган 9 миңдан ортик янги иш ўринлари яратилишини кўзда тутувчи 3015 та лойиҳа амалга оширилади.

Хунармандчиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, хунармандчилик

8-иловага мувофиқ, 2018-2019 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида хунармандчиликнинг турли йўналишлари бўйича кўргазма ва фестиваллар, халқаро конференциялар ўтказиш чора-тадбирлари ўз вақтида амалга оширилишини;

хар йили хунармандчилик маҳсулотларининг "Олтинқўл хунарманд" халқаро кўргазмаси ташкил этилишини таъминласин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ; доимий савдо жойларига эга бўлмаган ва вақтинчалик жойларда савдо қилувчи хунармандлар томонидан касса аппаратлари ва савдо терминалларидан фойдаланиш, шунингдек, савдодан тушган нақд пул тушумини тижорат банкларига инкассация қилиш ихтиёрий тартибда амалга оширилади;

хунармандлар учун давлат мулки объектлари учун ижара тўлови белгиланган энг кам тўловнинг 50 фоизи миқдорини белгиланади;

хунарманд хусусийлаштириш дастури доирасида ("ноль" харид қийматида) сотиладиган давлат мулки объектини олиш хоҳишини билдирган тақдирда, ушбу объект хунармандга баҳоланган қийматида (бошланғич инвестиция мажбуриятлари билан) очик савдоларга (танловга) қўйилмасдан тўғридан-тўғри шартнома асосида сотилади (берилди);

бир неча хунарманд бир объектни ("ноль" харид қийматида) олиш истагини билдирган тақдирда, ушбу объект белгиланган тартибда очик савдога (танловга) қўйилади ва унда фақат ушбу хунармандлар иштирок этади.

Белгилансинки, ушбу бандга кўрсатилган шартлар асосида хунармандларга берилган объектлардан 5 йилдан кам бўлмаган вақт давомида хунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилиши лозим.

17. Хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун хом ашё ва материаллар билан узлуксиз таъминлаш мақсадида:

"Ўзбекинкассаноат" уюшмаси "Хунарманд" уюшмасининг бюортманомалари бўйича хунармандларга ипак хом ашёси ва ипак толаси ажратилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари икки ой муддатда ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланувчи хунармандларга ўз фаолиятини амалга ошириш учун хом ашё сифатида ишлатиладиган дарахт турларини экиш ва парвариш қилиш учун зарур ер майдонлари ажратиш чораларини кўрсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги "Халқ бадий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-1741-сон Фармонининг 4 ва 5-бандлари ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирли

# Ўзбекистон — жонажон Ватанимиз

(Давоми. Бошланғич 1-бета).

Ҳадемай, юртимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 25 йиллиги кенг нишонланади. Асосий Қонуниимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, аҳамияти ниҳоятда бекиб. Чунки у бахтимиз, фаровон турмушимиз асосидир. Масалан, Конституциямизда барча миллат ҳамда элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавлари ҳурмат қилиниши таъминланиши, уларнинг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилиши белгилаб қўйилган. Бинобарин, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ҳамда ижтимоий мавқеидан қатъи назар, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар. Бу тамойиллар амалда ўз ифодасини топмоқда.

Жумладан, бугун юртимизда 130 дан зиёд миллатлар ҳамда элатлар вакиллари бир оила фарзандларидек, тинч-тотув яшамоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, ўз қизиқиш ҳамда лаёқатлари бўйича касб-хунар эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, аънавларини сақлаш ва ривожлантиришлари учун барча имконият мавжуд. Миллий маданий марказлар эса ўз халқларининг аънавлари, маросимларини тиклаш, уларни Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллатлар вакилларига яқиндан таништириш, шунингдек, ўзбек халқининг маданияти, санъати, тили, урф-одатларини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар.

Ҳозир Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб 200 мингдан зиёд фуқаролар истиқомат қилади. Уларнинг ақсариёти ўзбек тилида сўзлаша олади, маданият ва аънавларини яхши билади. Корейс миллатига ҳос урф-одатларини сақлаш, ривожлантириш

мамлакатимизда жуда кенг йўл очиб берилган. Хусусан, корейс диаспораси ўзининг миллий байрамлари — Янги йил, жансик (ўтганлар хотирасига бағишланган тадбир), тано (ёз байрами), чусок (ҳосил байрами) каби маросимларини эмин-эркин, ҳеч қандай монеликсиз нишонлаб келмоқда.

Ўзбекистон Корейс маданият марказлари уюшмаси томонидан ҳам қўллаб-қувватлаш амалга ошириляпти. Корейс тилида китоб ҳамда газеталар чоп этилмоқда, кўргазмалар, концертлар, фестиваллар, ижодий жамоаларнинг Ўзбекистон бўйлаб ва хорижга гастроллари, ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ташкил қилинапти.

Жорий йилнинг июнь ойида пойтахтимиздаги "Дўстлик боғи"да корейс диаспораси томонидан саховатли ўзбек заминидagi бағрикенглик, самимийлик ҳамда ғамхўрлик, тинч ва оқсоғишга ҳаёт учун миннатдорлик белгиси сифатида ёдгорлик монументи барпо этилди.

Албатта, ҳар бир эзгуликнинг тағзимини Президентимизнинг оқилона сиёсати, тинчлик-тотувликни мустақамлаш йўлидаги саяё-ҳаракатлари мўжассамдир.

Жорий йил 22 — 25 ноябрь кунларида давлатимиз раҳбарининг Корей Республикасига амалга оширадиган олий даражадаги таширифи икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклики янада мустақамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон — умумий уйимиз! Мана шундай бағрикенг, инсон қадрли улуг дийрда яшаётганимиз учун ҳаётимиздан, тақдиримиздан миннатдоримиз. Унинг ривожига ҳисса қўшишни бурчимиз, деб биламиз.

**Виктор ПАК,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутати,  
Ўзбекистон Корейс маданият марказлари  
уюшмаси раиси.

# «Профилактика куни» умумхалқ ҳаракатига айланмоғи шарт

(Давоми. Бошланғич 1-бета).

Жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича салбий ҳуқуқсаткичлар борасида Тошкент шаҳри ҳамда вилоят юқори бўлиб тургани биз, сенаторларни ҳам чуқур мушоҳадага ундайди. Чунки ҳар иккала ҳудуд Сенат комиссиясининг алоҳида назоратида бўлиб келганига қарамастан, Президентимиз таъкидлаганидек, ханузгача жиноятчиликни жийовлаш борасида таъсирчан чоралар амалга оширилгани йўқ.

Жорий йил 1 октябрдан бошлаб маҳаллий Кенгашларда тегишли ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг, уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўрин-босарларининг ҳисоботлари эшитилиши тартиби жорий этилди. Орандан қарийб икки ой вақт ўтаётган бўлса-да, ақсарий Кенгашларда ҳисоботлар тинглангани афсусланарлиқдир.

Вақолонки, давлатимиз раҳбари ёшлар ўртасида, айниқса, таълим муассасаларида тахсил олаётган ўқувчилар томонидан қўллаб-қувватларнинг содир қилинаётгани ва ушбу ҳуқуқсаткичнинг ошиб бораётганини куйинчақлик билан тилга олди. Албатта, бу ҳар бир маҳаллий Кенгаш депутатидан, сенатордан масалага шахсий масъулият ҳамда ўз фаолиятига қатъий талабчанлик билан ёндашиши зарурлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида белгилаб берилган вазифалар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг родини янада ошириш заруратини кун тартибига қўяди. Авваламбор, эндиликда ҳар чоракда маҳаллий Кенгашлар сессияларида ички ишлар бўлими, бошқарма бошлиқларининг ва ҳар ойда улар ўрин-босарларининг, шунингдек, жойларда фаолият юритаётган секторлар раҳбарларининг ҳисоботларини танқидий нукта-назорат мўҳокама қилиниши таъминланади. Бунда улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши даркор.

Шу билан бир қаторда, маҳаллий Кенгашларнинг тегишли доимий комиссиялари ўз сайёр мажлисларида давлат бошқаруви органлари, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш борасидаги фаолиятини мўҳокама этиб боришга алоҳида эътибор қаратишлари ҳаётий заруратга айланмоқда.

Олдимизда турган яна бир долзарб масала, шубҳасиз, маҳаллаларда "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни" муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирокини таъминлаш ҳамда ўз фаолиятига қатъий талабчанлик билан ёндашиши зарурлигини кўрсатади.

самарали ўтказишнинг мутлақо янги ёндашувларини жорий қилиш талаб этилади.

Бизнингча, "Профилактика куни" нафақат профилактика инспектори ёки бошқа масъул ходим ташириф буюрган жойда, балки ҳар бир меҳнат жамоасида, таълим муассасасида, маҳаллада, кўчада, кўп қаватли уйларида кенг омма иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Яъни "Профилактика куни" фақат масъул раҳбарларнинг ҳисоботларини танқидий тадбир эмас, балки умумхалқ ҳаракатига айланмоғи шарт.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун маҳаллий Кенгашлар, уларнинг доимий комиссиялари, партия гуруҳлари ва депутатлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятига фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳаллалар, хотин-қизлар кўмиталари, Ёшлар иттифоқи каби нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий шериклики кучайтиришлари долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда, айниқса, Президентимиз ташаббуси билан ҳудудларда сектор раҳбарларининг жиноятларнинг олдини олиш борасидаги масъулиятини ошириш мақсадида Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ҳамда ҳуқуқбузарликка қарши курашиш иборат. Чунки бугунги таҳлиллар шуни кўрсатаптики, "Профилактика куни"ни янада

Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар кўмитаси раиси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, Касба уюшмалари Федерацияси, Маънавият ва маърифат маркази раҳбарларидан иборат таркибда фаолият юритади.

Ҳулоса ўрнида айтганда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича камчиликлар ҳали кўплиги, уларни бартараф қилиш ва соҳадаги аҳолининг ўнглаш, Юртбошимиз томонидан берилган топшириқларнинг қатъий ижросини таъминлашда давлат идоралари, маҳалла фаоллари ҳамда бошқа жамоатчилик тузилмалари ҳамжиҳатлигини янада мустақамлаш долзарб вазифага айланди. Бунда, шубҳасиз, ҳар бир маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш, бу борада фарқлиқ, лоқайдлик ҳолатларига барҳам бериш жамиятда тинч ва оқсоғишга ҳаётни таъминлашнинг асосий шарт-шароити Бириндир. Бу эса ҳар бир маҳаллий Кенгаш депутати, сенатордан ўз фаолиятига танқидий ёндашиб, эзгу мақсадлар йўлида ташаббускор бўлишни талаб этади.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг  
Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси ўринбосари.

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЎҚУВЧИЛАР ХАЛҚАРО БИЛИМЛАР ОЛИМПИАДАСИДА 49 МЕДАЛНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

(Давоми. Бошланғич 1-бета).

Мақтаб ўқитувчилари аънавий ўқитиш услубларига содиқ қолган ҳолда, инновацион ишланмаларни фаол қўллаб келмоқда. Ўқувчиларда эркинлик ва ташаббускорликни шакллантиришга алоҳида аҳамият қаратилади. Бу келажакда уларнинг муҳим ижтимоий ва профессионал вазифаларини амалга оширишига асос бўлади. Болаларда алгоритмларни ишлаш, масала тузиш ва уни ечишда амаллар кетма-кетлигини белгилаш, бошланган ишни ниҳосига етказиш, матнларни онгли ўқиш ҳамда уларнинг маъносини чақиш, кузатиш объектларини тасвирлаш, уларни таққослаш, қийёсий натижалар бўйича шахсий мулоҳазаларни билдириш кўникмалари шакллантирилди.

Бошланғич мақтаб таълим, тарбия, ривожлантириш, ҳаётни англаш ва маърифат сингари аънавий таълимнинг барча таркибий қисмларини ўз ичига олади. Инглиз тили фақи биринчи синфдан бошлаб ҳафтада тўрт мартаба, 2-синфда беш-олти мартабага ўқитилади.

Мақтабимизда ҳар бир болага алоҳида ёндашилади, — дейди "Intellect" нодавлат таълим муассасасининг директори ўринбосари Наталья Баннова. — Шу боис ўқувчиларимизнинг ўзлаштириши юқори. Мамлакатимизда болаларнинг фан олимпиадалари ва танловларда ўз иқтидорини на-

мойиш этиши учун барча шароит яратилган. Ўқувчиларимиз бир неча йилдан буён халқаро миқёсдаги олимпиадаларда совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда. Биз ўқувчиларимиз билан фахрланамиз!

Мақтабда кун тартибининг самарали ташкил этиши, ақлий ва жисмоний вазифаларни тўғри тақсимлаш, инсон саломатлиги учун фойдали технологияларни жорий этиши, жамоада ижобий психологичал муҳитни яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бошланғич синф ўқувчилари уй вазифаларини мақтабда куннинг иккинчи ярмида ўқитувчилари кузатуви остида бажаради. Бу ота-оналарга фарзандлари билан жонли мулоқот қилиш ва болалар ўйинлари учун янада кўпроқ вақт ажратишга имкон яратади. Бу эса бола рўҳияти ва оила муҳитига ижобий таъсир кўрсатади.

IX Халқаро билимлар олимпиадасида Озарбайжон, Россия, Қирғизистон, Қозғистон, Туркия, Ўзбекистон, Украина мамлакатларидан беш юз нафар мақтаб ўқувчиси математика, география, физика, кимё, биология, ҳаёт тарихи, атроф-муҳит, тасвирий санъат, рус, инглиз ва турк тиллари бўйича ўз билимларини намойиш этди. Мазкур олимпиадада "Intellect" мақтабсининг директори ўринбосари Н. Баннова раҳбарлигидаги ўқувчилар математика,

**Ноҳира МАНЗУРОВА,**  
ЎЗА муҳбири.

# Табий экотизимларни муҳофаза қилиш — давр талаби

(Давоми. Бошланғич 1-бета).

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 50-моддасида "Фуқаролар атроф табиий муҳитга эътиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар", 55-моддасида "Ёр, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", дея белгилаб қўйилган бу борада мустақам ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Бинобарин, юртимизда экология, атроф-муҳитни муҳофаза этиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ҳажон аҳдозаларига тўлиқ жаоб бе-



радиған фундаментал ҳуқуқий базаси яратилган. Ҳозирги кунгача соҳага доир 30 га яқин қонунлар ва 170 дан зиёд қонунотлар ҳужжатлари қабул қилинди. Уларни ҳаётга ижтимоий таъбиқ этиш мақсадида жойларда атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик билим ва тажрибаларни тарғиб қилишга йўналтирилган қатор миллий ҳамда халқаро лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан экология ва атроф-муҳитни муҳофаза этиш бўйича олиб борилаётган конституциявий ислохотлар ҳам, шубҳасиз, экологик хавфсизликни таъминлашда муҳим стратегик қафолат бўлаётди. Ишлаб чиқаришда илм-фан ютуқларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа тармоқларда экологик муҳит учун зарари кам, соф технология-

ларни қўллашга қаратилаётган эътибор туфайли кейинги йилларда ҳавога ифлослантирувчи моддалар чиқарилиши қарийб икки баробар, очиқ сув ҳавзаларига саноат оқоваларини оқизиб деярли икки марта қамайишига эришилгани, айниқса, эътирофга молик.

Бундан ҳам муҳими, табиий экотизимларни муҳофаза қилиш, атроф-муҳит сифатини махсус талаблар даражасида сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини, миллий хавфсизликнинг асосий кўрсаткичларидан бўлган аҳолининг юқсак даражада турмуш кечириши ҳамда саломатлигини таъминлашга замин яратмоқда.

Аммо бугунги тезкор замонда шуларнинг ўзи билан кифояланиб қолиш мумкин эмас. Шу маънода, кенг жамоатчиликни жалб этиш орқали экологик назорат тизимини босқичма-босқич жорий қилиш бўйича самарали ҳуқуқий механизми шакллантириш ва тақомиллаштириш айна заруратдир. Чунки, шу йил 12 июлда бўлиб ўтган Олий Мажлиси палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ҳамда шаҳар Кенгашлари фаолияти таҳлили ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида Президентимиз томонидан Экоҳаракат келгусида ҳудудларда аҳолини, айниқса, қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви билан таъминлаш, маийши чикичдиларни тўлаш, қайта ишлаш ҳамда утилизациялаш масалалари билан бир қаторда, фуқароларнинг экологик мада-

ниятини ошириш, ёш авлод қалбида она-табиатга муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш масалаларига жиддий эътибор қаратиши лозимлиги таъкидланган эди.

Айтиш керакки, дунёда глобаллашув жараёни кечаётган бир даврда экологик муаммоларни ҳал этишда хўжалик фаолиятида ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни қўллаш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ўтказиш, соҳа оид қонунчиликни замон талаблари асосида тақомиллаштириш чора-тадбирларининг ўзигина қамқаб қилади. Шу асосда Юртбошимизнинг тақлифларидан келиб чиқиб, экологик нуктаи назардан салбий таъсир этувчи 693 та йирик корхона ҳамда объектда Экоҳаракат вакиллари институти жорий қилинди. Айни чоғда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, ёш авлод қалбида она-табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш масалаларига бағишланган конференция, семинар, давра суҳбатлари ва турли ақциялар ўтказилмоқда. Бундай тадбирлар нафақат марказларда, балки олис қишлоқ ҳамда овулларда ҳам ташкил этиляпти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экоҳаракат депутатлар гуруҳи томонидан Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг экологик таълим концепциясини яратиш бўйича амалий ишлар олиб боришмоқда.

Умуман, юртдошларимизда табиатга эътиёткорона муносабатини, уни асл ҳолига келгуси авлодларга етказиш ҳиссини шакллантириш ва атроф-муҳитга салбий таъсирнинг олдини олиш, халқимизда экологик маданиятни ошириш, ёшларга экологик таълим-тарбия бериш сифатини янада юқори савиёга кўтариш барқарор ривожланиши таъминловчи долзарб вазифа экан, уни муваффақиятли ҳал қилиш йўлида биз, депутатлар ҳам бор куч-гайратимизни сафарбар этамиз.

**Борий АЛИХОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,  
**Абдурахим ҚУРБОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

## ҚУЛАЙЛИК

### Тадбиркорлар учун Бизнес маркази

Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида Бизнес маркази фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатида яхшилаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида вилоятда тадбиркорлик субъектлари сони 13 мингга етди.

Банкнинг 12 миллиард сўмлик молиявий кўмаги ҳисобига бунёд этилган беш қаватли мажмуадан молия муассасаси филиали, тадбиркорларга мўлжалланган мулоқот хоналари, 140 ўринли анжуманлар зали, ўқув зали ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган.

Бу ерда тадбиркорларнинг ўзаро тажриба алмашишига қулайлик яратиш мақсадида ўқув-семинарлар, тренинглари, давра суҳбатлари, ёш ишбилармонлар учун маҳорат дарслари ўтказиш кўзда тутилган.

Бизнес марказининг очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳокими И. Собиров иштирок этди.

**Одилбек ОДАМБОВЕВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ КЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТҚАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2017 ЙИЛ 21 ОКТАБРДАН 27 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

### I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 11-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини масофадан ўқитиш таълим усуллари орқали қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2936 (2017 йил 23 октябрдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2017 йил 5 сентябрдаги 12-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тингловчиларининг битирув (лойиҳа) иштини тайёрлаш ва ҳимояга тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2937 (2017 йил 23 октябрдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг

2017 йил 5 сентябрдаги 13-2017-сон «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига педагогик (малакавий) амалиётини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2938 (2017 йил 23 октябрдан кучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/2-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларига касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қондаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1602-2 (2017 йил 23 октябрдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/7-сон «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан

ўтказилди, рўйхат рақами 2693-2 (2017 йил 23 октябрдан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат кўмитасининг 2017 йил 9 октябрдаги 11-мх-сон «Спорт федерациялари (уюшмалари) реестрини юритиш ва ундан маълумотлар тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 23 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2939 (2017 йил 23 октябрдан кучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2017 йил 9 октябрдаги 01-02/12-39-сон «Божхона иши соҳасида қўланиладиган айрим ҳужжатлар ва ҳисоботлар шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 13-илоvasини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2778-2 (2017 йил 24 октябрдан кучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2017 йил 19 сентябрдаги 135-сон «Солиқ маслаҳати миллий стан-

дарт (5-сонли СММС) «Солиқ маслаҳатчилари ишининг сифатини ички назорат қилишни ташкил этишга қўйиладиган талаблар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2940 (2017 йил 25 октябрдан кучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 23 сентябрдаги 26/9-сон «Марказий банк томонидан банк қонунчилиги ва банк фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни бузганликлари учун тижорат банкларига нисбатан қўланиладиган чора ва санкциялар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2017 йил 24 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 622-7 (2017 йил 25 октябрдан кучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 7 октябрдаги 27/5-сон «Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида Ўзбекистон Республикаси банклари балансининг актив ва пасив ҳисобварақалари валюта қолдиқларини қайта баҳо-

лаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2017 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 535-1 (2017 йил 27 октябрдан кучга кирди).

11. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2017 йил 23 сентябрдаги 207-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг касбий тайёрлик факультетига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2017 йил 27 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2941 (2017 йил 27 октябрдан кучга кирди).



# Ҳаётимизнинг гўзал саҳифаси

Бугун Тошкент шаҳри том маънода улкан бунёдкорлик майдонига айланди. Аҳоли турмуш фаровонлиги йўлида барпо этилаётган тураржойлар, корхоналар, спорт иншоотлари метронинг янги линиялари дейсизми, кўприкларми, буларнинг барчаси қалбимизга чексиз гурур ва ифтихор туйғуларини бағишлайди. Сергели туманида қуриб ботилаётган янги уй-жойлар ҳам халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яққол намоён қилди.

Президентимиз ушбу тураржойлар, ижтимоий соҳа объектлари билан танишар экан, аввало, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун барча кучни сафарбар этиш — инсонпарварликнинг энг олий намунаси эканини қайд этди. Бу ерда яратилган қулайликлардан Тошкент шаҳри аҳолиси, айниқса, янги уй соҳиблари, ижтимоий соҳа объектлари ходимларининг қувончи чексиз.

## ДИЛ СЎЗИ

**Умида ТОЛИПОВА, уй бекаси:**  
— Шу пайтгача ижарама-ижара юриб, очиги, ҳаловат нимадигани билмагандик. Шукрки, у кунлар ортда қолди. Энди ўз уйимиз бор. Қаранг, мана бу ерда боғча, болалар майдончаси, сал нарида сузиш ҳавзаси, поликлиника... Хар бир йўлакда темир эшик ҳамда замонавий лифтлар, хонадонларда эса сўнгги румуддаги газ плита, эшик ва ромлар, ванна, иситиш радиаторлари, қисқаси, бир оила учун нимаки зарур бўлса, барчаси муҳайё.

Шундай шароитлар яратиб берилса, ким ҳам хурсанд бўлмайди, дейсиз?! Яна арзон нархларда, узоқ йилларга мўлжалланган ипотека кредити асосида! Бунинг учун давлатимиз раҳбаридан, қурувчиларимиздан жуда миннатдоримиз. Узим шифокор бўлганим боис уйимиз ёнидаги 61-оилавий поликлиникага ишга кирмоқчиман.

**Музаффар АҲМЕДОВ, 55-умумтаълим мактаби директори:**  
— Туманда қисқа фурсатларда ҳавас қилса арзигулик шундай гўзал бир маскан пайдо бўлдики, бундан барча хурсанд. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан уй, эгаллари; айниқса, уларнинг фарзандлари келажаги инobatта олиниб, шу ҳудуднинг ўзида қўллаб ижтимоий соҳа объектлари ҳам фойдаланишга топширилди.

Замонавий талаблар асосида қурилган таълим муассасамизда ўқитувчилар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Хоналари кенг ва ёруғ. Ўқув-лаборатория усуналари, спорт зали ва стадион фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб тарбияланишида муҳим ўрин тутати.

**Озода ҒУЛОМОВА, пенсионер:**  
— Илгари бундай замонавий уйга эга бўлишни фақат орзу қилардик. Бугун ана шу ниятларимиз рўйбга чиқаяпти. Юртбошимиз ташаббуси билан уй-жойга эҳтиёжи бор фуқароларга қўрқам, шимам, энг муҳими, арзон бошпана берилаяпти. Бундай ҳамжўрликдан кўпчилик қаторида биз ҳам миннатдоримиз.

Қизим Шоира Миртожиева фарзанди билан салкам 10 йилдан буён ижарама-ижара яшайди. Айни пайтда янги уйга кўчиб келиб, биргаликда истиқомат қилаёғимиз. Барча шароитга эга уйда яшашнинг ўзи бир бахт экан. Бу кунлар ҳаётимизнинг энг гўзал саҳифаларидан бири бўлиб ёдимизда қолади. Бугун бундан фархланиб, қувониб уй тўйини нишонляймиз. Бунинг учун давлатимизга, Президентимизга раҳмат!

«Халқ сўзи» муҳбири Раҳим ШЕРКУЛОВ ёзиб олди.

Яхши куй инсон онги ва қалбида чуқур акс садо беради. У қайси халқ ёки миллат вакили томонидан ижро этилмасин, юксак инсоний кечинмаларни ифодаласа, таъсиранавермасиз. Олижаноб мақсадлар сари илҳомланамиз, яхши ишлар қилишга интиламиз.

Халқимиз қадимдан мусиқани ардоқлаб келган. Оҳанглар одамларга яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам ҳамроҳ бўлган. Улуғ аждодимиз Абу Али ибн Сино мусиқа инсон маънавий

қиефасини янада мукамаллаштиришини таъкидлагани бежиз эмас. Дарҳақиқат, наво жибиасини сўз билан ифодалаш қийин. Мумтоз мусиқаларимиз киши руҳияти, маънавиятига алоҳид таъсир ўтказувчи қудратга эга. Улар инсонни эзгуликка давбат этади, тингловчини борлик, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини англаб етишга, фалсафий мушоҳадага ундайди. Бу турли ахборот хужурлари ҳамда ғайринсоний маданият унсурлари жамиятга хавф солаётган бугунги глобаллашув даврида жуда муҳим.



атли ҳамда баркамол ёшларни бирлаштириш, улар орасида иккундай ришталарни мустаҳкамлашга хизмат қилаяпти.

Уюшмага ҳомий этиб бириктирилган «Асака» акциядорлик тижорат банки билан ҳамкорликда «Дўстлар клуби» очилди. Хар уч ойда бир мартаба айнаан навқирон авлод вакиллари фаол қатнашадиган «Сўз, оҳанг ва тасвир» номи остида иккундай кечалар ўтказиш белгилан олдинди. Мазкур иккундай кечаларга нафақат мусиқа аҳли, балки рассомлар, ёзувчилар, театр ҳамда кино арбоблари, банк ходимлари ҳам кенг жалб қилинади.

Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг Бадий кенгаши йиғилишида таниқли ижодкорлар томонидан долзарб масалаларни ўзида муҳасамлаштирган, тарихий, замонавий мавзуларни кенг очиб бердиган йирик жанрдаги, шу билан бирга, ёшларнинг диди ҳамда руҳига мос мусиқа асарлари яратиш масаласи муҳокама этилди. Маданият ва санъат йўналишидаги олий таълим муассасалари, лицей ҳамда коллежларида маҳорат сабоқлари ўтказадиган таниқли композиторлар, бастакорлар ва мусиқашунослар рўйхати шакллантирилиб, улар махсус йўриқномалар билан таъминланди.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ана шундай эзгу ишлар ўз ҳаётий мезонларини нафис санъат тамойиллари асосида шакллантирган, диди ўткир, тасаввури тиник, таваққур доираси кенг ёшларни вояга етказишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Рустам АБДУЛЛАЕВ, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси.

# АСЛ МУСИҚА

## беғубор қалб оламида яраллади



Техника-технологиянинг тараққий топиши ҳаётимизга, онгү шууримизга энгил-елпи куй-қўшиқлар, менталитетимизга мос бўлмаган ажнабий тароналарнинг суқилиб киришига имкон яратди. Санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайдиган «асар»ларнинг пайдо бўлаётгани, айрим ёш бастакорларимизнинг мавзу, ижро усули, саҳна ҳаракатларида очикдан-очик «оммавий маданият» кўринишларига тақлиднинг кучаяётгани эса ёш тингловчиларнинг эстетик диди ҳамда савияси ўтмаслашишига сабаб бўлаяпти.

Хўш, бу санъатни бир эрмак ёки пул топшичинг осон йўли, деб билишимиз? Ёки саҳна қадрини, эл эътиборида бўлиш масъулиятини ҳис қилмаслиқми? Ёш ҳамкасбларимиз билиши керакки, инсон қалби ва туйғуларига, табиғатига таъсир этадиган санъат — мусиқа билан шуғулланиш учун шунчаки қизиқиш етарли эмас. Яхши асар яратиш бастакордан юксак билим ҳамда маҳорат, эзгу мақсад, умуминсоний фазилатларни ҳам талаб қилади. Ёзувчи ўқувчини ишонти-

риш учун унга, аввало, ўзи ишонishi, йиғилатиш учун йиғлаши, қулдириш учун қулиши керак бўлганидек, композитор ҳам хар бир нотани қалбдан ёзиши лозим. Зотан, фақат юракдан чиққан садо юракларга етиб боради.

Мамлакатимизда ёшларни санъат, хусусан, мусиқанинг сирли оламига ошно тутиш, уларни ҳақиқий ижод маҳсулини англаш ва қадрлашга ўргатиш, ихтисослаштирилган мусиқа муассасаларида ёш истеъдод соҳибларини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Янгидан-янги болалар мусиқа ҳамда санъат мактаблари, бадий ижодиёт марказлари, маданият қўшмагонларининг бунёд этилаётгани, уларда ўғил-қизларнинг мусиқа билан эркин шуғулланиши, миллий ва жаҳон санъатининг дурдона намуналаридан баҳраманд бўлиши учун қулай шароитлар яратилаётгани артамиз эгаларининг эстетик савияси ҳамда дидини ўстириш, қалбларида юксак фазилатларни камол топтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилаётгани артамиз эгаларининг эстетик савияси ҳамда дидини ўстириш, қалбларида юксак фазилатларни камол топтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги «Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилаётгани артамиз эгаларининг эстетик савияси ҳамда дидини ўстириш, қалбларида юксак фазилатларни камол топтиришга хизмат қилмоқда.

ҳамда бойитиш, халқро нуфузини ошириш билан бирга, унинг сеҳрли кучи, маънавий қувватининг ёшлар онгү қалбига кириб боришида кенг имкониятлар яратиши билан аҳамиятлидир.

Самарқанд шаҳрида аънавий ташкил этилаётган «Шарқ тароналари» халқро мусиқа фестивали юртдошларимизни дунё халқлари мусиқа санъатидан баҳраманд қилиш, жаҳон мусиқа санъатида кечётган иккундай жараёнинг атрофлича ўрганиш, ўз навбатида, бетақоррор миллий санъатининг оламга намён этиш, маънавияти етук авлодни тарбиялашга муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон давлат консерваторияси фаолиятини янада ривожлантириш ва тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 9 августдаги «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш «Илҳом» жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида»ги, 15 августда имзоланган «Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа муҳим ҳужжатлар юзасидаги кенг қўламли ишларни янги босқичга кўтариш, ёш истеъдод соҳибларини миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг энг яхши намуналари билан таништи-

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«ELXOLDING»** МЧЖ шаклидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси

сотувга тақдим қилади.

Ғўза қатор ораларига ва очик майдонларга дон экишга мўлжалланган универсал сеялка УСЗД-3,6-0,9

**«ELDOSH EL 150»** русумли юк мотоцикллари

Махсулот омборларда доим мавжуд.

Тўлов шакли — исталган тарзда.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 36-уй. Телефонлар: (+99899) 541-90-41, (+99866) 234-22-72.

Махсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»**га ЭЪЛОНЛАР

КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 232-10-63.

E-mail: reklama@xs.uz

**Хурматли юртдошлар!**

**«АСАКА» банки**

қўйидаги муқддатли омонат турларини тақлиф этади

**Миллий валютада:**

- «КАДРИЯТ»** Омонатнинг сақланиш муқддати — 2 ой. Ҳисобланган фойзалар хар ойда ёки омонат муқддати тугаганидан сўнг берилади.
- «БАРАКАЛИ»** Омонатнинг сақланиш муқддати — 6 ой. Ҳисобланган фойзалар хар ойда ёки омонат муқддати тугаганидан сўнг берилади.
- «ФАРОВОН ТУРМУШ»** Омонатнинг сақланиш муқддати — 12 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат расмийлаштирилганда ёки омонат муқддати тугаганидан сўнг берилади.

**Хорижий валютада:**

- «МАДАД» (АҚШ долларида)** Омонатнинг сақланиш муқддати — 3 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат муқддати тугаганидан сўнг берилади.
- «ШОДИЁНА» (АҚШ долларида)** Омонатнинг сақланиш муқддати — 24 ой. Ҳисобланган фойзалар 12 ой ўтганидан кейин ёки омонат муқддати тугаганидан сўнг берилади.
- «СТАБИЛЬНЫЙ-1» (еврода)** Омонатнинг сақланиш муқддати — 12 ой. Ҳисобланган фойзалар омонат муқддати тугаганидан сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 17 турдаги ва хорижий валютада 10 турдаги омонатларни қулай шартларда тақлиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13
«Автотранспорт» филиали	(0-371)	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	(0-371)	140-39-36
Юнусобод филиали	(0-371)	221-80-67
Сергели филиали	(0-371)	257-44-10
Тошкент вилояти филиали	(0-371)	120-84-13
Анджон вилояти филиали	(0-374)	223-60-74
Асака филиали	(0-374)	233-21-99
«Фарход» филиали	(0-374)	226-96-63
Фаргона вилояти филиали	(0-373)	244-39-14
Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23
Олтиариқ филиали	(0-373)	432-19-80
Кўқон филиали	(0-373)	542-61-01
Наманган вилояти филиали	(0-369)	227-15-68
Навий вилояти филиали	(0-436)	770-21-29
Зарафшон филиали	(0-436)	572-40-14
Бухоро вилояти филиали	(0-365)	770-05-19
Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	(0-366)	233-65-47
«Афросиёб» филиали	(0-366)	221-71-76
Қашқадарё вилояти филиали	(0-375)	221-07-41
Сурхондарё вилояти филиали	(0-376)	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	(0-361)	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	(0-362)	228-14-81
Сирдарё вилояти филиали	(0-367)	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	(0-372)	226-43-11

**«Асака» банки сармоянғизнинг сақланиши ва қўлайлигини кафолатлайди!**

www.asakabank.uz

**Омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгаллик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

**Хизматлар лицензияланган.**

**Micros** POS-системы / торговое оборудование

**POS-СИСТЕМЫ И АВТОМАТИЗАЦИЯ**

- ✓ Торговые точки (магазины/супермаркеты)
- ✓ Бутики, непродовольственная розница
- ✓ Рестораны, кафе, бары
- ✓ Фитнес-клубы, бильярдные, боулинг и т. д.

**+ ЛИЦЕНЗИОННОЕ ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ**

АТОН Microinvest аўтмуда

СВОЕВРЕМЕННАЯ ПОСТАВКА / АВТОМАТИЗАЦИЯ ПОД КЛЮЧ

ЧЕКОВЫЕ ПРИНТЕРЫ

СКАНЕРЫ ШТРИХ-КОДОВ

ДИСПЛЕИ ПОКУПАТЕЛЯ

POS-ТЕРМИНАЛЫ И МОНОБЛОКИ

ВЕСЫ С ЧЕКОПЕЧАТЬЮ

(+99871) 200-34-34 (доп. 18) www.micros.uz scales@micros.uz info@micros.uz

**Халқ сўзи Народное слово**

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229, Буюртма Г — 1145, 74 524 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРГАТГА КЕЛГАН ҚЎЛЯЗМАЛАР ТАҚДИР ҚИЛИНАДИ ВА МУАЛЛИҒГА ҚАЙТАРМАЙДИ. РЕКЛАМА МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ТАХРИРГАТ ЖАВОБГАР ЭМАС.

Газетанинг отказиб берилиши учун обунали расмийлаштириш таъжод жавобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термалда ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-67.

**• МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров. Навбатчи — Д. Солиқов. Мусахҳх — С. Исломов.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.** Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.40 Топширилди — 23.05 1 2 3 4 5